



ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 87 (9.125)

1998 йил

27 июль, душанба

Сотувда эркин нархда

БУНЁДКОРЛИК САПОҲИЯТИМИЗ РАМЗИ

Юртимиз харитасида кундан-кунга шаҳар ва қишлоқларимиз кўркак-кўрк қўшаётган янги-дан-янги бинолар, иншоотлар, боғ ва хиёбонлар кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг ана шундай бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишуви яхши аъёнага айланди.

24 июль куни Президент Ислам Каримов Тошкент шаҳрининг Ҳадра майдонида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Йўлбошчимиз майдон ва унинг атрофидаги биноларни таъмирлаш, транспорт боғланмасини яхшилаш юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Шу билан бирга, янгиларини қуришда меъморий мутаносибликни сақлаш, майдонда турли хизмат нуқталари ташкил этиш, уни чинакам дам олиш масканига айлантириш зарурлигини уқтирди. Бу ерда миллий тус ва шаклга эга ягона мажмуа пайдо бўлиши керак, дея таъкидлади Президент.

Айни чоғда Ислам Каримов майдонда жойлашган Ўзбек Давлат цирки биносини таъмирлашда қадимий меъморчилик аъёналарига таяниш, ранглар ва махсус ёриткичлар ёрдамида бинога миллий руҳ бахш этиш му-




химлигини айтиб ўтди.

Шу куни давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида барпо этилган Ташкилотчи йўлининг Миллий банкнинг турар жой мажмуи билан танишди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл фирма ва компаниялари ходимлари истикомат қиладиган бу мажмуада уларнинг яшashi ва кўнгилли дам олиш учун барча қулайликлар мавжуд. У шинам ва бежирим турар жой котежлари, спорт майдонлари, ресторан, бар, дукон

ва бошқа иншоотлардан иборат. Йўлбошчимиз мажмуа билан танишиб, унинг жаҳон андозалари асосида қурилганидан мамнуният изҳор этди.

— Бу фойдали иш, — деди Президент — мажмуа бизнинг меҳмондўстлигимизни кўрсатадиган, чет элликларни «хуш келиб-сиз» дея қутиб оладиган жой бўлибди.

Миллий банк бошқаруви раиси Рустам Азимов хорижликларга ижарага бериладиган котежларнинг меъморий ечими, на-рихи, сарф-харажатларни



қоплаш мuddатлари ҳақида юртбошимизга сўзлаб берди. Президент мажмуани ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш, бу ерда замонавий шифохона, истиқомат қилувчиларнинг фарзандлари учун мактаб қуриш кераклигини уқтирди. Айни чоғда пойтахтнинг бошқа ерларида ҳам шундай бинолар бунёд этиб уларга ўзбекона руҳини сингдириш бўйича ўз тақлифларини баён этди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари Миллий банк томонидан қурилиши

режалаштирилаётган иншоотларнинг лойиҳалари билан танишди. Жумладан, Миллий банкнинг санъат галереяси лойиҳасида шарқона меъморчилик услубларини қўллаш, галереяда ижодкор ва томошабин учун ҳар томонлама қулай шaroит яратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, бу ерда сакланадиган санъат асарлари бизнинг миллий бойлигимиз, деди Президент. Бинобарин, уларни асраш, ўрганиш, тарғиб этиш, айнакча, муҳим аҳамиятга эга.

Президентнинг янги ин-

шоотлар билан танишуви чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлганов ҳамроҳлик қилди.

(Ў.А.)

СУРАТЛАРДА: пойтахтнинг янги қурилиш иншоотлари билан танишув пайти.

Абдувоҳид Тўраев ва Мухаммад Амин (Ў.А.) олган суратлар.

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛ
ҚОШОНАЛАРИ

Иккинчи ҳикоя

ЎЗБЕКЛАР ЮРТИНИНГ ҲУРЛИК ТИМСОЛИ,
ҚАНОТЛАРИ БИЛЛУР ҲУМО МИСОЛИ!

Оқшом чўқди.

Шаҳар осмони узра шафакнинг алвон ранги югурди. Кўк гўмбазини бир зумгина қирмизи жилпо билан ороланди. Аста-секин у ҳам сўниб, қоронғилик чўқди.

Шу онда Мустақиллик майдони узра минглаб чирокларнинг шуълалари офтобдан минг чандон кучлироқ порлаб кетди. Фаввораларнинг зарра-зарраларида чирок нурлари кўз илғарилғамас камалаклар ҳосил қила бошлади.

Мустақиллик майдони...

Шундай ном билан аталувчи Бош майдонлар жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатларида бор. У халқлар учун бир амардорлик ва муқаррам! Бир пайтлар «Пахтакор» командамизнинг машҳур футболчиси Геннадий Красникий «Жанубий Америкада етти учрашув» китобида перуликлар юртлари мустақиллигини қанчалар ардоқлашини, «Лима шаҳрининг бош майдони Озоодлик майдони деб аталганини, перуликлар уни гоғда эҳтиром қилишини ёзган эди.

Бизнинг Бош майдонимиз эса Мустақиллик номи билан аталади. Уни қанчалар ардоқлашимизга бир мисол. Бир куни тонгсатар Мустақиллик майдонидан ўтиб қолдим. Шу саҳарда майдондаги кичик фаввора ёнида бир мўйсифид ўтирар, кўзларини қизил гранит таглик — шохсупага ўрнатилган Мустақиллик тийсолдидан узмасди. Одоб юзасидан салом бердим. Мўйсифид алик олди. Қўлим кўксимда ўтиб кетмоқчи эдим, отахон қўл узатиб қолди. Илос билан сўрашдим.

— Дунёнинг ишларини қараганга, — деди отахон, — ҳақ барибир жойига қарор топар экан... Мустақилликнинг илк кунидан бошлаб шу ерга келаман. Токи жоним бор экан, ҳар куни келаман бу ерга. Ҳар куни шукроналар айтаман. Отамнинг, онамнинг, жигаргўшаларимнинг руҳлари шод бўлади. Бу кўнларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Фаввораларнинг шовуллаши, тонг шамолчининг гувуллаши отахоннинг сўзларини тасдиқларди гўё.

Мустақиллик майдони...

Қанчалар азгу сўз бў! Қанчалар жарангдор сўз бў! Қанчалар жонбахш сўз бў! Илк бор метро поездларидан «Мустақиллик майдони бекети» сўзини эшитганимизда бутун вужудимизга ширин бир туйғу инган эди. Шу туйғу Мустақилликка бўлган шукроналик туйғуси эмасмиди? Шу туйғу Мустақилликнинг ардоғи бўлиб қалбимиз қаърида яшаб қолмайдими? Шу туйғу ота-боболаримизнинг асрий орузи эмасмиди?

Мустақиллик майдонидан таралган шукру, файз бутун юртимизга таралади. Худди ойнаи жаҳонда кўрганамиз каби ҳар бир ўзбекистонлик ушбу майдонни қалби кўзгусида кўради.



роқларнинг нури шохсупага тушди. Улкан ер шарини бағрида Ўзбекистон тасвири тиллодек ярқираб кетди. Шунда майдонни тўлдириб ўтирган ҳамшаҳарларимиз худди уммондек мавж уриб кетди назаримда. Гуддуросининг садоси кўкка ҳам етди чоғи...

Шохсупада турар улкан ер шарини,
Унинг кучоғида ҳаёт намоён.
Кўзга ташланади юртларнинг бари,
Улар қаторида бор нури бўстон.
Кўзларга урилар худди нур бўлиб,
Унда неча йиллик орузимиз ёён.
Кўзга ташланади юлдуздек қулиб,
Оқ олтун дёғири ҳур Ўзбекистон.

У бизга Аллоҳнинг неъматини эсир,
У — ўзбеклар юртин ҳурилик тиймсоли!
Оламеа абадий энди жар солар,
Қанотлари биллур Ҳумо мисоли!

Курраи замин бағрида авваллари ҳам юртимиз бор эдику? Авваллари ҳам пахта, бугдой етиштираддику? Авваллари ҳам бағри бойликларга кон эдику? Лекин уш биллур Ҳумонинг қанотлари боғлиқ эди. Қанотларидан буғов олинган Ҳумонинг кўзларидан озоодлик ўти чақнади. Қаддини ростлади. Жаҳон кўрдики, Ҳумонинг шаҳидини, тахтини юз йиллик, ҳатто ундан кўпроқ мuddатдаги истибодд йўқ этолмабди. Биллур қанотлар ростланганда кўрди дунё Ўзбекистонини! Ҳамма унга сари тикилди, унга сари интилди. Ер шаридаги Ўзбекистон! Оддийгина сўз, оддийгина шакл! Лекин унинг мағзини чақолган одамга абадий мавзу, туганмас илҳом дид. Курраи заминдаги Ўзбекистонга боқаман. Боқаману наздимда ҳозир оқ пахталар чамандек очилиб кетадигандек, бугдойзорлар шовулётгандек, улкан боғу бўстонлар намоён бўлаётгандек туюлади. Шунда, шоир айтганидек шода марваридлар терсам шаънинга дегим келади.

Парвозингга кўз тегмасин она дёғрим,
Усдим сенинг меҳрингга қона дёғрим.
Ҳумо қушинг парвозига сарҳад бўлмасин,
Хурлигинга, шукрунинега адаб бўлмасин.
Жаҳон узра номини сени мангу таралсин,
Жаҳон сенга миллион йиллар сууб қарасин!
Не қорин бор, барчасига ярайин юртим,
Зар қоқилинг саҳарлари тарайин юртим.
Тиймсолнинг кўтарайин шохсупа бўлиб,
Жисмин сенга соқилгайдур ҳок уна бўлиб,
Ўзганда ҳам эшитилмас чеккан дард, оҳим
Хурлигининг бош кўтарайи гўёғи бўлиб!

Ер кўррасиди Ўзбекистон тиймсоли!
Қани энди наққош бўлсаму сарҳадларинг жоним билан безасам. Қани эди бир қўш бўлсаму ҳар тонг сенинг сарҳадларинг узра сайраб усам, қўшигим билан кучсам!

Бир сафар хорижлик биродарим ташриф буюрди. Сухбатдан кейин Мустақиллик майдонига келдик. У шохсупада турган куррай заминга, унга тилладан акси туширилган Ўзбекистонга узоқ тикилди.

— Қойил! — деди у тўлқинланиб, — жаҳон харитасида янги Ватан, янги мамлакат дунёга келди, деган улуг ҳикмат бу.

Шундай, энди жаҳон харитасини мангу безайди Ўзбекистон деган ном!

Омон бўл деб саҳарлар, қуёш умр тилайди,
Истиқлол майдонидо аксинг нурга безайди!
Яна дейман ҳаммаша, Ўзбекистон ҳур дёғир,
Абадийлик ҳаммаша сенга бўлгучидир ёр!

Азиз биродарим!

Ҳар саҳар Мустақиллик майдонига бир бора кел! Ана шунда гапларим тўғрилигига ишонасан. Қуёшнинг илк нурлари тушуши билан шохсупадаги куррай замин бағридаги Ўзбекистон тиймсоли порлаб кетади. Кўзларинг қамашади. Юрагинг шундай туйғуга тўладики, гўё оламнинг бор сеҳри-меҳри қалбингга оқиб қирғандек бўлади!

Ана шу сеҳр, ана шу меҳр учун, озоод дёғиринг равнақи учун яшаш қанчалар фараҳли, азиз ватандошим!

Ғолиб МИРЗО,

Рашид Галиев олган сурат.



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Темурийлар тарихи давлат музейига Президентимизнинг совғаси — Темурийлар тарихига оид муҳим китобни топшириш маросими бўлиб ўтди. Музейга топширилган совға — ўн бешинчи асрда Ибн Арабшох томонидан ёзилган «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» китобидир.

Шанба куни бўлиб ўтган Марказий банкнинг кенгайтирилган мажлисида ўтган ярим йиллик иш якунлари ва олдинда турган вазифалар муҳокама қилинди.

Жиззах шаҳрида Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси очилди. Бу ерда етти хилдаги музқаймоқлар тайёрланади.

Адлия вазирлигида вазирлик хайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисида юстиция органлари ва республика судининг жорий йилнинг ўтган ярмидаги фаолияти якунлари ва навбатдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жамбул туманида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Самарқанд бўлими филиали тантанали равишда очилди.

Тошкент вилоят ҳокимлиги «Энг намунали мактаб» курик-танлови эълон қилди.

«Бекободцемент» акциядорлик жамияти «Цементчи» стадионини таъмирлаш учун 18 миллион сўм ажратди.

Куни кеча яна бир темир йўл йўналиши очилди. У Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукус шаҳрини Қозғистоннинг Оқтоғ шаҳри билан боғлади.

ЖАҲОНДА

61 ёшли Кэйдзо Обути Япония ҳукмрон либерал-демократик партиясининг етакчиси этиб сайланди. Биринчи босқичда у 414 имкониятдан 225 та овоз олди.

Киргизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Марказий Осиё давлатлари, БМТ ва ядро қуролига эга мамлакатлар — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция экспертларининг маслаҳатлашув учрашуви бўлиб ўтди.

Туркия қўшинларининг Кипр шимолига туширилганга 24 йил тўлиши муносабати билан уюштирилган тантаналарда Туркия Бош вазири Месуд Йилмаз иштирок этди. У мулоқотларнинг бирида Россиянинг Кипрга «С-300» зенит-ракета мажмуаларини сотганлигини қоралади.

Грознийда Чеченистон Президенти Аслан Масхадова уюштирилган суиқасд иши юзасидан тергов давом этмоқда. Чеченистоннинг собиқ президенти З. Яндарбиевдан айблов олиб ташланди. Аслан Масхадова суиқасдда гумон қилинган яна бир неча киши ушланди.

Кеча КХДРда Олий халқ мажлиси депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

Миср Араб Республикаси Президенти Хусни Муборак яна ҳукмрон миллий-демократик партия раиси этиб сайланди. Қоҳирада бўлиб ўтган партиянинг 7-съезидида бир овоздан шундай қарорга келинди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон сентябрь ойида Шимолий Ирландия ва Ирландия Республикасида боради. Бу АҚШнинг Шимолий Ирландиядаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаётганидан даволат боради.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси Цзянь Цзэминь Хитой қуроли кучларига ҳар қандай тижорат фаолиятини тўхтатиш юзасидан буйруқ берди.

Кеча Камбоджада парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Кеча Латвияда аънавий шунқорлар байрами ўтказилди.

БМТ дипломатия конференциясининг қарори билан ирқий ва ҳарбий жиноятларда айбланган шахсларни таъқиб қиладиган Халқаро жиноий суд таъсис этилди.

Озарбайжон ва Буюк Британия компаниялари ўртасида иқтисодий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш юзасидан тўртта йирк шартнома имзоланди. Хужжатларни имзолаш чоғида Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр билан Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев иштирок этдилар.

Москвадаги рассомларнинг Марказий уйда Владимир Висоцкий хотирасига бағишланган кеча ўтказилди.

Калифорния штатига яқин жойдаги касалхонада биринчи Америка астронавти Алан Шепард 74 ёшида вафот этди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ПОЙТАХТИМИЗ ОРАСТА БУЛСИН

Пойтахтимизда юртимиз мустақиллигининг етти йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса ободонлаштириш борасидаги ишлар авжида. Шу боис Тошкент шаҳар ҳокимлигида санитария-эпидемиология, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш бош бошқармалари ҳамда туман ҳудудий-санитария дирекциялари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошқаруви, шунингдек, ахлат соҳасидаги санитария-эпидемиология бошқаруви бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтди. Шунингдек, ахлат соҳасидаги санитария-эпидемиология бошқаруви бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтди. Шунингдек, ахлат соҳасидаги санитария-эпидемиология бошқаруви бўлими раҳбарлари билан бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида 25 июлдан бошланган ва 25 августга қадар давом этадиган ободонлаштириш ва санитар тазолиқни таъминлаш ойлигини ўтказишда барча мутасадди раҳбарлар, шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси масъул эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишнинг Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов олиб борди.

— Аввало шу фикрни қайд қилиш зарурки, шўро даврида ёлғончи, амалга ошмайдиган мақсадларга асосланган мафкура одамларни ундан безитиб, умуман мафкурага ишонмайдиган қилиб қўйди. Собик иттифокнинг мафкураси асосан давлат раҳбарларининг манфаати учун ишлаб, халқнинг манфаати ҳўжақўрсингагина ҳисобга олинар эди.

Миллий мафкурани шакллантириш ва уни ривожлантириш деганда ҳозирги мустақил Ўзбекистоннинг шу кундаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсадларини амалга оширишга ёрдам берадиган миллий мафкурани шакллантириш устида гап борапти.

Хар қандай замонавий мафкура, албатта миллиятнинг, халқнинг ўтмишидаги мафкурасига ҳам тегишли бўлиши лозим. Мен давлат ва ҳар бир фуқаро, оила мақсадлари орасидаги узвий боғлиқлик ва бу мақсадларни амалга оширишда мафкуранинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳаза қилмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистон давлатининг бугунги кундаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсади халқнинг тинч-осойишталигини таъминлаш, ижодий фаолиятга шариқ яратиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, халқнинг турмушини фаровонлаштириш, халқ маънавиятини юксалтириш ва ҳўжазо.

Ушбу давлат миқёсида белгиланган мақсадлар шаксиз халқ манфаати учун хизмат қилади. Хар бир одам ва оиланинг ҳаммақсади бўлади. Бу мақсад асосан соғсаломат бўлиш, оила ҳаётини фаровонлаштириш, таълим-тарбия билан боғлиқ.

Хар бир фуқаро ва оиланинг мақсади давлат мақсади билан узвий боғлиқ.

Давлат асосий мақсадларни белгилаб, уларни амалга ошириб, халққа хизмат қилади.

Халқ ҳам ўз мақсадини амалга ошириш учун ўқийди, таъриба ва малакасини оширади, ишлайди. Шу йўл билан бир томондан одамлар ўз мақсадларига эришади.

салар, иккинчи томондан давлат мақсадини амалга оширишга хизмат қилади.

Шундай экан, давлат ўз мақсадини амалга оширишнинг самарасини юксалтириш учун, халқни давлат атрофида қўчирок жипслаштириш учун миллий мафкурани ишлаб чиқиб, уни халққа тушунтириши, сингдириши лозим бўлади.

Давлатнинг барча мақсадлари

керак. Маълумки, мамлакатни дунёга халқнинг ижодкорлик фаолиятининг натижалари, яъни янги техника, технологиялар, меъморчилик, кино, театр соҳасида яратилган фильмлар, сахналаштирилган асарлар, мусиқа, тасвирий санъат, умуман маданият соҳасида яратилган ва ҳўжон бўйлаб тарқалган барча асарлар, спорт соҳасида эришилган ютуқлар танитилади.

майдонда давлатнинг обрў-эътибори ортб бораверади.

Миллатимизда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, таълим билан тарбиявий ишларни бирга олиб бориши, эркин ва мустақил фикр қиладиган, фидокор, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан, янгилликка интилувчан мутахассисларни тайёрлаш, шўб-ҳасиз мафкуранинг ривож топишига ижобий таъсир қўрсади. Миллий дастурни ишлаб чиқиш, амалга ошириш Республика Президенти айтганидек, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши Президентимиз сўзлари билан айтганда «биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради».

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушган инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Мамлакатда таълим тизимини тўбдан ислоҳ қилиш узок муддатга мўлжалланган миллий мафкуримизнинг устувор мақсадларидан биридир.

Бугун биз миллий мафкурани шакллантириш, ривожлантириш масаласини муҳокама қилаёмиш. Бу ижодий иш. Бу ишда аҳолининг барча тоифалари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишлари, ўзларининг тақлифлари билан қатнашишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов миллий мафкуримизнинг бош йўналишини белгилаб берди. Миллий мафкурани шакллантириш, ривожлантириш ишида Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчилик иштирок этиши зарур.

Дарҳақиқат миллий мафкура ни аҳолига тушунтириш, унга сингдириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

НУРНИ ИЗЛАР

Самолёт белгиланган муддатдан анча кечикиб ҳавога парвоз қилди. Қўқда юлдузлар чарогон, ҳаво шаффоф эди. Назаримда пўлат қўш жуда секин ўчаётгандек эди. Осмонун фалакдаям ҳар хил ўйларга борасан. Ҳаёлга чўмиб кетган эканман, қаттиқкина турткидан ўзимга келдим. Қарасам ёнимда ўтирган киши.

— Қаранг, — деди у ҳаяжонини яширолмай, — ҳаммаёқ порлаб турибди, чарогон.

Самолёт охишта пастлай бошлади. Мен қисқасига қилиб:

— Тошкент, — дедим. Ҳамроҳим пастга анча вақт тикилиб турди. Кейин:

— Тошкент деганлари нурхона эканда, — деди.

«Осмондан қўриб шунча ҳаяжонланасиз, чироқлар ичида юрсангиз нима бўлади», — деб ўйладим...

Тошкент чиндан ҳам нурхонага айланган кетди. Бу чироқларга, бу қўчаларга ҳам ёруғлик, ҳам гўзаллик бахш этиб ёнаётган гуллар, паннолар, олий иморатнинг тепасидаги тўғро, Байроғимизнинг пориллаб туриши, Амир Темур хиббони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, бошқа жойлардаги шарқона қандиллар қайси қўзни қувонтирмайди-ю, қайси юракни тўқилантирмайди! Буларнинг ҳаммаси ҳамшаҳарларимиз «Тошшаҳарнур» қорхонасининг фидойи нурчилари яратган мўжизаларидир.

«Тошшаҳарнур» қорхонасига яқин-яқинларгача Содиқжон Толипов раҳбарлик қиларди. Тиниб-тинчимас, ўз шаҳрининг асл ўғлини, садоқатли нурчи салкам 30 йил Тошкентни нурга чўмилтирди. «Она шаҳримни севаман, унинг бағрида минглаб чироқлар порлашини маъналадек ёнишни оруз қиламан. Ушбу нур ҳар бир хонадонга яшиллик, илқлик, гўзаллик ва фойз олиб кирсин», деб тақорорларди у. Афсуски, Содиқжон Толипов ҳозир орамизда йўқ. У киши 1996 йилда оғир ҳасталик туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Ҳаётдан кўз юмди деб тўғри айтдим-микин? Ахир одамларга нур улашган, яшиллик тиланган, хонадонларни ёруғ қилган одамни ҳаётдан кетган деб бўлади-ми? Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган саноят ходими фахрий унвони соҳибб, раҳматли Содиқжон Толиповнинг «Тунги Тошкент чироқлари» китоби ҳам нурчилар устузининг доимо барҳаётлигидан нишондир.

Китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Содиқжон Толипов Тошкент қўчаларини ёритиш тарихидан ҳикоя қилади. Ҳуқуқини ўзининг 1967 йилдан бошланган нурчилик фаолиятининг бетакор қирралари билан ошно қилади.

Китобни ўқиб туриб, ҳайратга тушсан киши: 1897 йилда Тошкент қўчаларида кerosин билан ишлайдиган 1426 та осма чироқ бўлган экан. Уларга махсус кишилар — чироқчилар хизмат қилар, маълум вақтда ёқар, маълум вақтда ўчира экан. Орадан бир аср ўтиб бугунги Тошкент қўчаларини кўринг! Ос-



мондаги юлдузларни санаш мумкин. Лекин она шаҳрим чироқларини санаб адо қилиб бўладими?

Содиқжон ака ўз қасбини чин дилдан севган, она шаҳрини кўз қорачиғидек асраган инсон эди. Ҳозирги кунда Амир Темур хиббонида, Мустақиллик майдонида, муҳташам биноларнинг чор атрофида нур сошиб турган шарқона қандилларнинг ташаббускори ҳам у киши бўлган.

Шаҳримизнинг зумрад камари бўлмиш Анхор соҳилидаги чойхонада чой ичган одам, сувнинг ўртасида 10-15 метрлар юқорига отилиб турган фаввораларни қўриб, роҳатланиди. Унга яқин бундай фавворалар ҳам салкин улашади, ҳам пойтахт ҳўсинга ҳўсн қўшади. Ана шу фаввораларнинг ижодкори ҳам Содиқжон ака бўлади.

Содиқжон ака ҳақида унинг ҳамкасблари ниҳоятда эҳтиром билан гапирарди. «Тошшаҳарнур» қорхонаси бош муҳандиси М. Бочков: «Бир қарашда Содиқжон Ортикович жуда кўп ишларнинг бошини бирварақайга ушлагандай туюлади. Гоҳида ўзига ортиқча иш орттириб нима қилади, деб ўйлардим. У ҳақиқий инсондек ашади, ишлади. Ўз шаҳрининг ободлигига, қўқамлигига жонини ҳам беришга тайёр эди», деб хотирласа, 1976-1996 йилларда Тошкент метрополитенининг бошлиғи бўлиб ишлаган Ш. Шоабдурахимов: «Мен бунақанги меҳнаткаш, етук, ҳалол раҳбарни кўрган эмасман», деб ёзади. Санкт-петербурглик, «Амира» ҳўссадорлик жамияти бош директори Тамими Монади: «Мен отамни жуда ёшлигимда йўқотганман. Содиқжон Толиповга мен оддийгина ота деб муржаат қилардим. У ҳам мени ўз ўғлидек қўрарди. Доим иззат-ҳўрмат қиларди. Унинг ўлими менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Мен отамни иккинчи марта йўқотдим», деб ҳикоя қилади...

Китобни ёпасиз-у, ҳаёлга чўмасиз. Киши яхши ишлар, амаллар қилса қанчалар савоб. Инсон яхшилиғи, эзгу юмушлари унинг барҳаётлигидир. Назаримда Содиқжон Толипов тирикдек. Ҳаммаша ёниб яшаган бу улук инсон нурга айланган чироқлар нурларига қўшилиб, омута бўлиб кетган.

Китобни ўқиб чиқкан ҳар бир китобхоннинг қалбидан беҳитёр шундай фикрлар кенча ажаб эмас: «Сиз шаҳримизни, хонадонимизни нурга белагансиз, фойзага тўлдиргансиз. Шу ёққан чирогингиз ўқимайди, илоҳим қабрингиз тўла нур, пойингиз тўла гўл бўлсин!»

Толиб САБДУЛЛО.



кетилган. Бу ариқларга 30 март 1998 йил сув берилган.

Лекин бу жойларга шу ерда яшовчи аҳоли томонидан яна ахлатлар ташланган. Ана шу ахлатларни сув ҳўжалиги бошқармаси ходимлари 10 кун ичида тозалаб, олиб чиқиб кетдилар.

Ўзбекистон ва Қўқмуртазов маҳалласи қўчаларида сув қони-

Хат босилмаси ҳам...

ЯНА «КАЙКОВУС» ҲАҚИДА

қарли оқиб турибди. Ёқуб Зиёев маҳалласига Жарарик ариғидан сув келади. Май ойи бошларида ободонлаштириш бошқармаси томонидан маҳаллага сув берилганда, хонадонлар олдидаги ариқдан уйларига сув кириб кетаётганини айтиб, суви беркиб қўйишган эди. Маҳалла ахлига хонадонлар олдидаги уй эгаларига ҳашар йўли билан тозалаш кераклиги тушунтирилди. Ариқлар тозалангач, маҳаллага ободонлаштириш бошқармаси томонидан сув берилиши айтилди.

Ҳозирги вақтда барча чоратадбирлар қўрилиб, Кайковус, Чигатой, Жарарик, Қўқча ариқларида сув қоникарли оқмоқда.

Шаҳар санитария-эпидемиология бош бошқармаси томонидан юборилган жавоб хатида ҳам шикоят жойларда текширилганлиги, махсус рейдлар ўтказилиб, сувнинг қоникарли оқиши учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги қўрсатиб берилган. Шунингдек, Кайковус ариғининг покизалигини доимий назоратда олиб туриш белгиланган. Яна шу нарса қўқда тутилганки, санитар ҳолатни бузган кимсаларга қаттиқ чоралар қўрилади.

Куни кеча Шайхонтоҳур тумани ҳўқимлигидан яна бир жавоб хати келди. Туман ҳўқими ўринбосари А. Эргашев унда қўйидагиларни маълум қилади: «Шайхонтоҳур тумани ҳўқимлиги «Кайковус» ариғининг ҳалоқат ҳолати ҳақидаги Ўзбекистон, Қўқмуртазов, Ёқуб Зиёев, Бўстон маҳаллаларидан келиб тушган аризага қўқимча равишда қўйидагиларни маълум қилади:

Ҳозирги вақтда туман ободонлаштириш бўлими томонидан «Кайковус» (Қўқча) ариғидан чиққан чикиндилар тўлиқ олиниб, тозалаш турилибди».

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳўссадорлик жамияти ва Американинг «Кейс» корпорейшн» фирмаси ўртасида қўқма қорхона тузиш тўғрисида ҳўжжатлар имзолади. Янги қўқма қорхона қишлоқ ҳўжалиги экинларининг қатор ораларига ишлов бериш ва юк ташувчи уч ва тўрт гилдиракли универсал тракторлар, шунингдек 100 ва 135 от қўқига эга бўлган ер ҳайдаш тракторларини ишлаб чиқаради.

«Ўзкейс — трактор» қўқма қорхонасини ривожлантиришни тўрт босқичда амалга ошириш мўлжалланяпти. Биринчи босқич жорий йилни ва 1999 йилни ўз ичига олади ва бу даврда қорхона юқори даражадаги аниқлиқни талаб қилмайдиган деталлар (валликлар, кронштейнлар)

ради. Пахта териш машиналарини асосан Марказий Осиё давлатларида, гилдиракли ер ҳайдаш машиналарини эса Қўқогистон ва Россияга сотиш режалаштирилмоқда.

— Технологик жиҳатдан юқори аниқлиқдаги деталь ва тармоқларни ўзлаштириш қорхона жамоасига

Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси тизими мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу компания бугунги кунда қўқмина халққаро миқёсдаги келишувларнинг ҳақиқий аъзосидир.

Пойтахтимизнинг Чўкурсой темир йўл станцияси республика темир йўл станциясининг асосий дарвозаси ҳисобланади. Ушбу станцияда бир кеча-кундузда 100 минг тоннадан кўпроқ турли-туман халқ ҳўжалиги моллари четга жўнатилади ва хорижий давлатлардан ташиб келирилади. Жаҳон мамлакатлари билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик асосида иш олиб борилаётгани сабабли ҳам соҳа тизимида янги-янги имкониятлар очилишига йўл очилмоқда.

Экспорт-импорт юқларини ташув ушбу кунларда темир йўл транспорт олдида турган долзарб масалалардан бири саналади. Мазкур компания ўтган йили яқин ва узок ҳориз мамлакатларига 300 минг тоннадан ортиқ экспорт юқларини жўнатди. Экспорт юқларининг асосий қисмини пахта ва тахтадан тайёрланган махсус-

Транспорт ҲАМКОРЛИК АСОСИДА


давлатларининг тўрт томонлама тузган шартномасига асосан Европа давлатларига жўнатиш юқлар Транс-Кавказ йўналиши орқали ўтади. Яқин Шарқдаги денгиз портлари, улар орқали бутун дунёга, транс-Эрон йўналиши, яна Тошкент — Сараҳс — Тейхон орқали чиқиши мумкин бўлади.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун янги темир йўл қурилиши жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, юқларнинг қўрсатилган жойларга қажолатли етиб боришини таъминлаш экспедиторлик хизмати, турли концепцияларнинг тариф сиёсати,

валюта масаласи хизмати муассасалари, юк ташув борасидаги мамлакатлар ўртасидаги келишувга мувофиқ «Ўзбектемирйўлэкспедиция» давлат қорхонаси ташкил этилди.

Тайёрланаётган яна бир лойиҳа бўйича эса Бандараббос — Форс қўлтиғидаги портлардан фойдаланиб, Шимол — Шарқий Осиё мамлакатларига юк ташини йўлга қўйишдир. Компания бу йўналишда ҳам муваффақиятларга эришини қўқламада. Келажакда эса бу йўналиш орқали нефть маҳсулотлари, қурилиш ҳамда халқ ҳўжалиги учун керакли бўлган маҳсулотларни ташилиб, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини кўтариш йўзасидан олиб борилаётган масалага ёрдам бериш ният қилинган. Айни пайтда бу қорхона Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё ва Европанинг қатор транспорт экспедитор хизмати билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган. Бу эса ўз ўрнида йўналишлар бўйича мавжуд муаммоларни вақтида ечиш имкониятини яратади.

Шарофат
БАХРОМОВА.



«Ўзбекмашишўқиме» акционерлик жамияти қошида Американинг «Топтаринтернейшнл» фирмаси билан ҳамкорликда «Аква — СМС» қўқма қорхонаси тузилганга ҳали қўп бўлгани йўқ.

СУРАТДА: қорхонадаги тайёр маҳсулотни қадоклайдиган жуда ихчам дастохнинг қўқини. Рустам Шарипов олган сура.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

билан таъминланади. Иккинчи босқичда қорхона (2000 йил) трактор йиғиш учун нисбатан мураккаб тармоқ ва деталлар, валлар, тишли гилдираклар усқуна билан жиҳозланади. Бу босқич четдан келтириладиган юқори аниқлиқдаги усқуналарнинг олиниши, монтаж қилиниши ва ишга туширилишига қараб кечади. Учинчи босқичда (2001 йил) эса қўқва цехи техник жиҳатдан қайта жиҳозлангандан кейин ишлаб чиқариладиган транмиссия каби қорпус деталларини тайёрлаш қўқда тутилади. Уларни эгилувчан автоматик қайта созланган тармоқларда ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Ва ниҳоят, сўнгги босқичда, 2000 йилдан бошлаб тракторнинг ҳамма қўқайликларга эга бўлган қабиналарини йиғишни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 майда чиқарган қарори билан 130 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилган. Завадининг энг муҳим вазифаларидан бири — бу маблағни ўз жойида сарфлашдир.

Қўқма қорхона умумий ҳудуди 50 минг квадрат метр бўлган майдонга жойлашади. 2003 йилга келиб у қўқва ҳудуд 8300 га қадар тракторлар ишлаб чиқаради. Четдан келтирилганларига қараганда улар анча арзон ту-

ишлаб чиқаришни батамом янги поғонага қўтарилган, маҳсулотнинг барқарор юқори сифатини таъминлашга, жаҳоннинг тракторсоз фирмалари билан муваффақиятли рақобат қила олишга, савдо-сотиқ бозорига ўзининг муносиб ўрнини ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида етакчи ўринни эгаллашга имкон беради, — дейди «ТТЗ» давлат ҳўссадорлик жамияти бош директори В.Д. Карлов. — Ахир биз истеъмолчиларга дунёда ўқшаши йўқ техника тавсия қиламиз.

Бир вақтининг ўзида осма асбоб-усқуналар жамламаси билан 20 ва 30 от қўқига эга бўлган мини-тракторлар ишлаб чиқариш бўйича яна бир «Ўзагромообиль-трактор» қўқма қорхонаси ташкил этилади. 150 та шундай машиналарнинг биринчи партияси истеъмолчиларга, асосан фермерлик ҳўжалиқлари учун 1998 йилнинг июль-август ойларида етиб боради.

Келгусида шу турдаги тракторларни, шунингдек турли русумдаги ва йўналишдаги тиркамаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мўлжалланяпти. Ана шу вазифаларни бажариш учун қорхона ишлаб чиқаришни тўбдан янгиллашга амалга ошириши, замонавий усқуналар сотиб олиш, таркибий жиҳатдан қайта қуришни амалга ошириши ва бошқа чоратадбирларни ишга солиши зарур бўлади.

Хўсан БАРОТОВ.



№ 7 (79) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллигини муносиб қутиб олиш ва нишонлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов пойтахтимизда ободонлаштириш ойланини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. Шунга қўра, шу йилнинг 25 июлидан Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш ойлани бошланди. Ойлик 25 августгача ўтказилади. Шу муносабат билан биз мутасадди идоралар раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Маҳаллаларда бўлиб, у ерда олиб борилаётган ободончилик ишлари билан танишдик, аҳоли билан мулоқотда бўлдик.

— Ушбу қарор аниқсиз биз ободонлаштирувчиларнинг зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси Абдулқосим Махмудов. — Ҳозир жойларда шаҳаримизни ободонлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш ойланига қўзғалган тайёргарлик кўряпти ва бу ҳуқуқда бир қанча тадбирларни белгилаб қўйдик. Қарорда ушбу ойланик билан биргана биз эмас, балки бутун шаҳар аҳолиси фаол қатнашиши кераклиги алоҳида таъкидланган. Шундай экан, бу умумхалқ ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Зеро, Тошкентимизнинг янада обод, ораси ва кўркам бўлиши биринчи навбатда ҳар биримизнинг жонқурили билан қилган саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Шу ўринда Амир Темур «Тузуклари»даги: «Хон бўлсанга, боғ ярат, гадо бўлсанга боғ ярат» деган сўзларини эслатим келади. Чунки бу гапда ўзбекна удуимизнинг барча кўринишлари муҳассам топган.

Очилини айтганда, сўнгги йилларда аниқсиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қўнуларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Фармони эълон қилингандан кейин шаҳаримизни ободонлаштириш ва кўркамлаштириш ишига эътибор янада кўчди. Бугунги кунда пойтахтимизнинг Шароф Рашидов, Навоий, Ипак йўли, Фарғона йўли, Усмон Носир, Бобур, Халқлар Дўстлиги шўх кўчаларидан ўтсангиз баҳри дилингиз очилади. Навоий номи Миллий боғ, Анхор бўйи ва шўнга ўхшаш соясалкин жойлари кезиб, ором оласиз. Абдулла Авлоний, Форобий, Бодомзор, Яқкасарой, Гуломмахмуд Абдуллаев номи маҳаллаларнинг ободончилигидан кўз қувнади. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Шўхчалардан бироз четга чиқиб, даҳалар оралдаб юрган киши ҳали ҳам тез-тез ахлат уюмларига дуч келишини инкор этиб бўлмайди. Хўш, ўша ахлат уюмлари қаердан пайдо бўлаяпти? Очили уларнинг уйилишига кўпроқ эътибори сабабли бўлаяпти. Қизғин шўнда, бунини ўзимиз яратиб, кейин тозалаш ҳуқуқидан мутасадди идораларга юғуриб юрамиз.

Шаҳар ҳокими қароридан мана шундай жойларда аҳолининг кенг орасини жалб қилган ҳолда ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

— Қарорда шаҳар туманлари ҳокимликларида туманларда ободонлаштириш ва санитар тозалаш ойланини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан бир қатор фикрлар билдирилди, — дея сўз бошлади Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқарма-

си бошлиғи Раҳматилла Нуриллаев. — Хўссан унда ойлани ўтказиш ҳайъатини тузиш ва тасдиқлаш ҳамда унинг зиммасига бир ҳафта мобайнида туман ҳудудига жойлашган қорхоналар, таъкилотлар ва муассасаларга қайси маҳаллага тегишли эканлигидан қатъи назар ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш учун чегаралар кўрсатилган аниқ бир ҳудудни бириктириш,

Ободонлаштириш ойлани БАРЧАНING ИШИ

туман ҳудудига жойлашган қорхона ва таъкилотларга кириш йўлларини, дарвозаларни, биноларни олди кўриниши, деворларнинг, панжараларнинг ва бошқа иншоотларнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш каби вазифалар топширилган.

Ана шу режага асосан туманимизга қарашли 52 та маҳаллада оммавий ҳа-шарлар ўтказиш белгиланди. Аниқсиз, бу борда Наврўз, Ҳўвайдо, Илғор, Тинчлик, Уйғур, Беҳзод маҳаллаларида пўхта тайёргарлик кўрилмоқда. Умумхалқ ҳаҳаримизда барча ҳудудлар орасида, Ҳўжаев, Узоқов, Беруний, Юсупов кўчаларидаги сўғориш шўхобчалари қиқиндилардан тозаланади. Бе-катлар тартибга келтирилади.

Бир сўз билан айтганда Мустақил-лик байрамини туманимизга қарашли ҳудудларнинг батариб ва орасида сақла-ган ҳолда қутиб оламиз. Ҳозир барча кўч ва имкониятларимиз шўнга қаратилган.

— Мустақиллигимизнинг етти йилли-ги шарафига ўтказилаётган ободонлаш-тириш ойланига маҳаллалар ҳам фаол иштирок этади, — дейди бизга «Бош-лик» маҳалласи оқсоқоли Исмоил Қўр-бонов. — Бу ҳақда қарорда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» ҳайрия жам-ғармасининг Тошкент шаҳар бўлими зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Хўссан, бизнинг маҳаллада 12,5 ми-нгдан ортиқ аҳоли яшайди. Улар кўп қаватли уйлар орасида жойлашиб, кўп миллатли. Ҳаммамиз иноқ ва аҳил яшаймиш. Йил бошидан бери асосий эътиборни озодағарчилик ва ободон-лаштириш ишларига қаратганмиз. Ҳар шанба ва дам олиш кўнлари икки соат-лик вақтимизни ҳаҳар ўтказишга сарф этамиз. Шу йўл билан барча ҳудудни озода ва саришта сақлаяптим.

Баъзан туман маҳаллалари бўйича ўтказиладиган йиғилишларда ўтириб, ранжиб кетаман. Сабаби бу йиғин-ларда кўпчилиги маҳалла оқсоқолари

ўз ҳудудларида пайдо бўлган ахлат-хондан шикоят қилишиб, мутасадди идоралардан уни тозалашда ёрдам беришларини илтимос қилишади. Шўнда ҳаҳлимдан ўша ахлатхонани наҳотки маҳалла аҳолиси ҳаҳар йў-ли билан тозалашга кўчи етмаса, қо-лаверса, ўзинг пайдо қилган ахлат-хонани нега биров сенга тозалаб бе-риши керак, деган фикр ўтади.

Ҳозир барча имконни ўзимиздан қидиришимиз керак. Ҳеч бўлмаса, ўзимизга мақбул бўлган ўзбекна одатларимизга разм солайлик. Хўш, бизнинг удуимизда ахлатни кўчага қиқариб ташлаш расм бўлганим? Бу ўта кетган одобсизлик ҳисобланмас-миди? Ҳар бир хондоннинг ўз ах-латхонаси бўларди. Барча қиқиндил-лар ўша ёрга тўкилиб, улардан эрта баҳорда ўғит сифатида фойдаланила-ларди. Аҳир, ҳозир ҳам қишлоқ аҳли ота-боболаримиздан қолган бу аҳли одатни тарк этмай келишяптику. Не-га биз шаҳарликлар бу савобли аъна-надан узоқлашиб боряптим. Ҳарка-лай бу уйлашга, фикрлашга арзийди-ган муаммо.

Кузатувимиз давомиде шаҳримиз-нинг турли ҳудудларида тўпланиб қо-лган ахлат уюмларига ҳам дуч келдик. Хўссан, Қоракўш 2/4 даҳасининг Хансикбев кўчасида, Юнусободнинг 2-мавзенида, Қўйлик-5 даҳасидаги 21-уй атрофидаги ахлатхоналар бунга мисол бўла олади. Ҳаҳар ўтказилса, бир соатда тартибга келтириладиган бу қиқиндилардан тозаланмай, аро-сатда ётибди. Маҳаллий аҳоли эса уни тозалаш учун шикоят хати ёзиб, идорам-идора беҳуда вақт кетказиб, сарсон ва саргардон.

Аниқсиз, шаҳримизда қатновчи баъзи бир транспортлардаги тартиб-сизликлар бизни ҳайратга солди. Аҳир, транспорт жамоат жойи ҳисоб-ланиб, кўп сонли йўловчилар учун хизмат қиладику. Шўндай экан, у ха-миша саранжом-саршита сақланмиш, бунинг учун ҳайдовчи ва чипта со-тувчилар масъул бўлишлари керак. Афсуски, кўпинча улар ҳайдовчи ка-бинасига тикилиб олиб, гап сотиш билан овора. Беқатларда эса йўлов-чиларни қийнаб фақат олдинги эшик-дан туширишади. Улардан бирма-бир патта пули йиғиб олишади. Истаса чипта беришади, истамаса йўқ. Са-лондаги тартибсизликлар билан иш-лари йўқ. Шўнинг учун киндир гаши-нгизни келтириб, писта қачиб, пўчоғи-ни дуч келган жойга тўпуради. Бош-қа биров эса қўлидаги музқаймоқ қо-ғозини оёқ остига улоқтиради. Ҳатто бу ҳолатни кузатиб турган йўловчи-лар ҳам андишасизларни тартибга қачқариб қўймайди.

Гални муҳтасар қилиб айтишимиз мумкинки, ободонлаштириш — бу мавсумий иш эмас. У йил 12 ой да-вом этиши керак. Ора-чора бўлиб ўтадиган ойлаларда эса барча ба-жонидил қатнашиши, ўз шаҳрининг озодағарчилик ишида ҳақиқий жон-қуяр бўлиши керак. Ана шўндагина шаҳримиз янада гўзаллашиб, чирой очади. Пойтахтимизга келган ҳар қан-дай чет эллик бу ерда олиб бори-лаётган ҳайратомуз бунёдқорлик иш-лари билан бирга унинг орасидаги га-ҳам қойил қолади. Зеро, навбат-даги ободонлаштириш ва санитар то-заланиш таъминлаш ойланини ўтқа-зишдан қўзланган мақсад ҳам шу.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

ЮТУҚЛАР БИЛАН ЧЕГАРАЛАНМАЙ

Чилонзор туманининг майдони 2998 гектарни ташкил этади. Унинг 1334 гектари кўкаламзорлаштирилган билан диққатга сазовордир. Сўғориш тармоқларининг узунлиги эса 44 километрни ташкил этади.

Албатта ҳар бир туманининг ўзига хос томонлари мавжуд. Экология ҳуқуқиде эса анча-мунча муаммолар бор. Табиат муҳофазасини кўнгилдагидек амалга ошириш учун назоратчилар тумандаги қорхоналар, таъкилотлар, маҳалла кўмиталари, мактабларда бўлиб тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борадилар. Мана шўни-ннг учун ҳам Чилонзор шаҳри-мизнинг энг яшил туманлари-дан саналади.

Текширган чоғда назоратчи-лар талайгина қоидабузарлик-ларга дуч келишади, қонунбу-зарлар билан юзма-юз бўли-шади. Кўпгина камчиликлар ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибати-да юзага келса, айримлари ат-роф-муҳит муҳофазаси ҳолат-ларини билмасликдан туғила-ди. Шўниси қувончлики, кам-чиликларни тезроқ туғатиш борасида берилган йўриқно-маларга деярли барча мута-саддилар ҳайрихоҳлик билан қарашади. Шўнинг учун ҳам шу йилнинг биринчи ярмида бе-рилган 193 та йўриқноманинг 150 таси бажарилди. 30 ҳолат-да эса жаримга санкциялар тўлдиришга тўғри келди. 12 ми-нг 500 сўм жаримдан ҳо-зиргача 3 ми-нг сўми ундирил-ди.

Назоратчиларимиз шу кўн-гача «Восток» ишлаб қиқариш билршамаси, «Газчиратс» ав-тосаройи, «Пойабзалчи» ҳис-садорлик жамияти, «Реле ва авто-матика» заводи, 2-трол-лейбус депоси, «Ўрқинур» ҳиссадорлик жамияти, «Кока-кола ЛТД» кўшма қорхонаси-

да бўлиб, синчиклаб текши-рув ўтказдилар. Уларнинг баъ-зи бирларида табиатни асраш бобидаги камчиликлар кўзга яққол ташланган бўлса, баъ-зи бирларида умуман иш қи-линмагани маълум бўлди. Шўндай бўлса ҳам очик тур-даги ҳиссадорлик жамияти бўлимиш «Алгоритм»да 1998 йил учун белгиланган тадбир-ларнинг ярми бажарилди. Ҳуд-ди шўндай Ўзбекистон кўрлар жамиятининг қўмитасида ҳам табиатни муҳофаза қилишга бағишланган тадбирлар талаб қилинган даражада ўз вақти-да бажарилган.

Ҳамма қорхоналарда шўн-дай бўлса қанийди. Афсуски кўпгина раҳбарлар йўриқнома-ларимизга бармоқ орасидан қарашга одатланиб қолишган. Мана шўнинг учун ҳам камчи-ликларнинг туғатилиши ни-ҳоятда сўст бормоқда.

Туман ҳудудидан 3 канал — Бўржар, Оқтепа, Анхор оқи-б ўтади. Уларнинг қирғоқлари ҳаммага маълумки, санитария зонаси ҳисобланади. Иккала соҳил тозаланган қиқиндилар-дан ҳоли бўлиши талаб эти-лади. Бу масалада Чилонзор туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Туманининг энг аҳойиб боғ-роғларидан бири Мирзо Улуғ-бек истироҳат тўғасидир. Бу ердаги қуёқ дарахтлар сояси-да ёшу қари мириқиб ҳордиқ қиқаради. Озода йўлкалар, ўйингоҳлар, емақхоналар боқ-қа таширф бюрурчиларнинг дилини ҳушнуд қилмоқда.

Хўллас, Чилонзор туманида табиатни асраш масаласида маълум даражада мақтовга сазовор ишлар қилинмоқда. Лекин кўлга қиритилган ютук-лар билан чегараланиб қолиш ярамайди. Табиат, ҳар қўнги парваришни талаб қилади.

Лазиз МУҲАММАДЖОНОВ,
Орзукул ТУРОБОВ,
Тошкент шаҳар табиатни
муҳофаза қилиш
қўмитаси назоратчилари.

Тошкент шаҳар табиатни муҳо-фаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси томонидан Тошкент «Гольф-Клуби» лойиҳаси тасдиқланган эди. Ушбу клуб Чир-чик дарёсининг чап қирғоғига, Бектемир тумани ҳудудига жойлашган. Майдони 108 гектар.

Қурилиш таркибига гольф ўйналадиган 18 та майдонча қиради. Қўллар тизими, «Гольф-Клуб» биноси, машқ майдони, дўкон, дам олиш жойлари, сузиш ҳавзаси, теннис қорт-лари, енгил машиналар тўхташ жойи, бош-қа техник бинолар, иншоотлар шулар жум-ласидандир.

Бутун майдон барча талабларга жавоб бе-рувчи яшил қўкат билан қопланган, сўғориш тизими ҳам лойиҳалаштирилган бўлиб, сув қўлдан елим қувурларда келтирилади. Шу

ИБРАТ

ДАРЁ ҚИРҒОҒИДА

мақсадларда насос станцияси ҳам қурилмоқ-да. Ортиқча сувни ҳайдаш учун тик дренаж усулидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Майдонни қоплаш учун тўпроқ ўттиз ки-лометр нарида жойлашган Охангарон шос-сесидан келтирилади.

Автотранспорт воситаларининг салбий таъсир кўрсатишига қарши икки қаторли яшил зона ташкил этиш лойиҳада белгилан-ган. Бундан ташқари гольф-клуб ҳудудига имкон қадар кўпроқ яшил ўсимликлар эки-лади.

Лойиҳани текшириш жараёнида «Қизил-тепагеология» давлат геология ташкилоти-нинг иштирокида экологик-радиометрик ба-ҳолаш ҳам ўтказилди. Чўнки гольф-клуб қу-риладиган майдонда гамманурлари меёбери-далигини аниқлаш зарур эди (соатига 10-15 мкр). Қурилиш давомиде ҳавфсизлигини таъминлаш учун бошқа ердан тўпроқ келти-рилиб, бир метр қалинликда ётқизилди, пойдеворга тик ҳолатда вентиляция ўр-нати, полларни зичлаш кўзда тутилди.

Хўллас қилиб айтганда «Гольф-Клуб» қу-рилиши лойиҳаси ҳар томонлама пўхта қи-лиш ишланди, барча талабларга тўлиқ жа-воб беради. Табиатга деярли зиён-заҳмат етказмайди.


Биз бошқа иншоотлар лойиҳаси ҳам ма-на шўндай барча талабларга жавоб бера оладиган бўлишини истаймиш.

Шукур ХИДОЯТОВ,

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза
қилиш қўмитаси Давлат экологик
экспертизаси бўлими бошлиғи,
Эркин АСАТОВ,
илмий-техника тараққиёт бўлими
мутахассиси.



Табиатни севиш болаликдан бошла-ниш керак. Аиниқ-са суюкли ўқитувчи опалари билан хиё-болларда, боғларда бўлиб ҳар бир да-рахтнинг, гул-гиёҳ-нинг, қушларнинг номларини билиб олиш, яшаш ша-роитларини ўрга-ниш ҳар бир бола-кай учун ниҳоятда қизиқарлидир. Бо-лаликдан юракка нақш бўлган муҳа-бат кишининг умри мобайнида унга ҳамроҳ бўлади.

Равиль Альбеков
олган сурат.

Амир Темур хиёбонида сувлари шовиллаб оқиб турган фавворалар шаҳримиз чиройига чи-рой қўшмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий мувозанатни бузилишдан сақлаш иш-рининг энг долзарб муаммоларидан бири экан-лигини кўп таъкидлашмиш. Чўнки табиат муҳофазаси инсоният тараққиёти учун энг муҳим омиллардан са-налади. Экологик номутоно-сибликдан қўллаб-қўлловчи касалликларнинг тарқалиши ҳам кайда этилмоқда. Бун-дай ҳолат Орол денгизи ҳавзасида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хўразм ви-лоятида кайда этилиб, уни бартараф этиш чора-тад-бирлари қўрилаётганлиги ҳаммага маълум.

Ҳар қандай экологик муаммо-ни бартараф этиш учун аввало унинг келиб қиқиш сабаблари илмий нуқтаи назардан ўргани-либ қиқилиши лозим. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қи-лиш қўмитаси ўз иш режаси асосида аҳоли ўртасида атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги тушунчаларни тарғибот-ташви-қот қилишда талай ишларни амалга оширди. Қўмита доимий равишда жойларда экологик тарғибот ишларига катта аҳа-мият бериб келмоқда. Ёшлар-да, аиниқсиз, ўқувчиларда эко-логик дунёқарашни шаклланти-ришга алоҳида диққатни қарат-моқдамиз. Натияжада шаҳар кў-шимча таълим маҳмуаси билан ҳамкорликда ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш ва дам олиш лагерларида «Ёзги экология-98» байрам қўрик-танлови ўтказиш

тадбирлари ишлаб қиқилди. Дастлаб 1998 йил 15 июнга қадар туманлардаги барча мак-таблар ҳузурида ташкил этил-ган лагерларда танлов ўткази-либ, улар режалаштирилган уч йўналишда:

Экология ва табиатни муҳо-фаза қилишга бағишланган шеър ва эртаклар ижро этиш;
Турли хил материаллардан

Танловлар

«ЭКОЛОГИЯ — 98» ДАВОМ ЭТМОҚДА

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бағишланган кўргазмалар тайёрлаш;

Атроф-муҳитни муҳофаза қи-лишга бағишланган суратлар қў-ғазмасини намойиш этиш бўйича олимпиада борилиди. Соғломлаштириш лагерларида минглаб ўқувчилар бу танловда иштирок этиди.

Шу йил 17 июни кўни шаҳар-даги «Боғи Эрам» истироҳат бо-ғида қарнай-сурнай садолари остида «Экология — 98» бай-рам қўрик-танлови яқунлиқ босқичи очилди. Унда 150 на-фар ўқувчилар иштирок этиб, уларнинг билим ва қобилият-ларини намойиш этидилар. Ҳар бир йўналиш бўйича 1, 2, 3-муқофотли ўринлар аниқланди. Танлов ҳомилигини шаҳар та-биатни муҳофаза қилиш қўми-

таси ўз зиммасига олиб, 14750 сўмлик 12 та муқофот ташкил этилди, ғолиблар тақдирланди.

Экотанлов шартларига би-ноан уч йўналиш бўйича: бирин-чи ўринни Юнусобод туманида-ги 86-мактаб ўқувчиси Дилдора Алавутидинова, Акмал Икромов туманидаги 311-мактаб ўқувчи-си Аббос Гадов, Чилонзор ту-манидаги 232-мактаб ўқувчиси Нигора Каримовалар эгаллаш-ди. Шўнингдек, Шайхонтоҳур ту-манидаги 186-мактаб ўқувчиси Рубо Зебо Шарофиддинова, Фе-руза Абдурахмонова, Миробод туманидаги 94-мактаб ўқувчиси Тофик Бурнашев, Юнусобод ту-манидаги 257-мактаб ўқувчиси Таня Музиченко, Бектемир ту-манидаги 191-мактаб ўқувчиси Алёша Ким, Яқкасарой тумани-даги 48-мактаб ўқувчиси Лари-са Дергунова иккинчи ва учин-чи ўринларга сазовор бўлишди.

Ёзги соғломлаштириш «Эко-логия — 98» байрам танловла-ри давом эттирилмоқда. Юқорида кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг ёзги дам олиш даврида табиатни муҳофаза қи-лиш соҳасидаги билимларини шакллантириш, янада қучуллаш-тиришга омил бўлмоқда.

Ёш авлодни экологик руҳда тарбиялаш келажакда мамлака-тимиз учун табиатни муҳофаза қилишдек улуғвор ишга қўйил-ган пойдевор асос бўлиши муқаррар.

Эрмўмин ЧЎПОНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни
муҳофаза қилиш қўмитаси
илмий техникавий тараққиёт ва
экологик тарғибот бўлими
бошлиғи.

КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари бир лаҳза бўлсин тиним билишмайди. Чўнки ҳақ жойига қарор топиши керак: табиатга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши шарт. Лекин бунини жарима билан қоплашни уйлаганлар кўпчилиги бизни ранжитади. Улар кимлар деб уйларида? Марҳамат, танишинг:

- «Ёрқин тиклаш» қорхонаси ҳудудидеги таъмирлаш зонасида нефть маҳсулотлари сочилиб ётгани учун директор В. Акимов 750 сўм, бош механик Ф. Расулов 750 сўм;
- Тошсикликоммунэнерго-ни-ннг 9-газтаъмирлаш бошқармасида олтингугурт микдори меъридан 9,8 нефть маҳсулотлари 12 марта, ма-ғний 3,6 марта ортиб кетгани сабаб бош муҳандис В. Чесников 1500 сўм;
- Тошшаҳарўйлочитранс-ни-ннг ҳўжалик ҳисобидеги автоқорхонаси-да сув қувурларидан тоза ичимлик сув оқиб ётишига йўл қўйилгани учун бош муҳандис Гаитов 1000 сўм;
- «1-Темир-бетон» буюмлари за-води» очик турдаги ҳиссадорлик жа-миятида убошиқчилик билан суддан фойдаланилгани, қудуқ сувидан фойдаланиш қондалари бузилиши учун бош муҳандис И. Мусаев 750 сўм;
- «Амир компани ЛТД» фирмаси-да пайхон қилинган табиатнинг ўрни қопланмагани, атроф-муҳитга жиддий зиён етказилгани учун бош директор А. Муртазов 2250 сўм;
- «Узэлектрособқурилиш» кор-хонасида ишдан қиққан лоймисини-цент чирокларни ўз вақтида бартара-ф этмагани учун бош нурчи Е. Пе-нур 750 сўм;
- «Тошшаҳарнур» қорхонасида ат-роф-муҳитни қайта тиклашда, ҳаво-ни зарарлантирувчи моддаларга бар-ҳам беришдаги совуққонлиги учун директор ўринбосари И. Шуқуров 1000 сўм;
- Бектемир тозалаш иншоотлари-да азот меъридан 8 марта, нитрат-лар 1,3 марта, нефть маҳсулотлари 4,3 марта ортиб кетгани учун техник Р. Юсупов 750 сўм;
- «Махсустрас-ни-ннг 1-автосаройи-даги қиқиндиларни бартараф қилиш-да қондаларга амал қилмагани учун колонна бошлиғи К. Қамолов 750 сўм;
- «Буратино-сервис» масъулияти чекланган жамиятда ҳавога зарарли, заҳарли моддалар қиқиндиларда кўзда тутилган меъридан бир неча баравар ортиб кетгани сабабли нурчи му-ҳандис Г. Фарзалиев 2250 сўм;
- Тошкент рангли босма фабрика-сида ҳаддан ташқари кўп манйиш чи-қиндилар уюлиб ётгани, нефть маҳ-сулотлари жўда ҳам қўллаб-исроф бўлгани сабабли бош муҳандис Н. Ди-бенко 2250 сўм;
- «Гўлмир-Дери» қўшма қорхона-сида чарм маҳсулотлари тикиш дав-лат экологик экспертизасининг ижо-бий ҳулосасини амалга оширилгани учун бош директор У. Қомиллов 750 сўм жарима тўладилар.

Назоратчиларимиз ўз ишларини пўхталик билан бажаравердилар. Ле-кин қанчонча табиатни муҳофаза қи-лиш кўрсатилган йўриқномаларни ту-ла-туқис амалга ошириш билан эмас, балки жарима тўлаш билан амалга оширилади? Бундан кимга фойда, кимга зарар?

Алишер МУСИНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофа-за қилиш қўмитаси мутахассиси.

• Саҳифани Темур УБАЙДУЛЛАЕВ тайёрлади.

«Улуғ ва аҳил оила» танловига

Сана

Сана

МУҶАЗ ВАПААН
ТАВХАРИ

(Қасида)

Дунёда йилгилас
Бор адиб, шоир,
Сўзга чечан, савол-
жавобга ҳозир.Тавсиф этолмайди
Она тилимсин
Минг бора келтирсин
Ташбех мисолин.Оламда тўланса
Буабдул кумри,
Уз зоти кўлашга
Етмайди умри.Кўш ҳам кўр олар
Унинг меҳридан,
Дол қолар она ер
Бардон, сеҳридан.Фарзанд бор эканки,
Яхшими ёмон,
Уз зотдан бир умр
Қардор беғумон.Зеро оппоқ сути
Оқар қонидан,
Меҳру мурувати
Ширин жонидан.Омаду тахт келар
У бўлса ризо,
Туғилмас бахт келар
Айласа дуо.Лек кимки оғритса
Нозик соф кўнглин,
Малла сўз зарбидан
Юраги тилин.Уз кимса ўнганмас
Қисмати қора,
Оқармас қосаси
Қалур бечора.Улуғ зот қалбига
Жо бўлган дунё,
Пойи теккан жойдан
Бақир нур, зий.Умр лаззати деб
Фарзандин билар,
Омон сақла дея
Тағридан тилар.Ҳолиқ бермиш унга,
«Улуғ зот» баҳо,
Бу номин шарафлар,
Ғариб даҳо.Чунки уз энг қутлуғ,
Зотинг онаси,
Беҳисоб жонга тенг
Бир соҳ толаси.Бешик унга тахтидир
Фарзанди — ҳокон,
Уларин бағишласан,
Ҳайи этган жон.Оила кўз-қоши,
Сулмон савлати.
Дилбандлар қувончи —
Дунё жаннатиди.Заминдек беҳишнат
Дилларга табиб,
Турмушда сулуқчи
Иудош ва ҳабиб.Муслим сарварига
Саҳоба бир кун
Дер: — «Оллоҳ элчиси,
Бор шайда муғуи.Айтмиг-чи не қилсам,
Қодир Оллоҳим,
Мендан ризо бўлиб
Кечар гуноҳим?Не қилсам бир умр
Бўлар тинч виждон?
Дунёда ийманман
Беғам, беғуноҳон?Не қилсам кексайган
Ел бўлса қадим,
Беҳишнат муруват
Этар фарзандим?Набий дер: «Жавобим
Шу эрур сенга,
Меҳринг бер онамга,
Яна онамга!»Бир ўғил тонай деб
Эл ичра савоб,
Муқаддас Маккани
Этмоқ учун тавоф.Онасин ўзига
Этибди ҳахроҳ,
Етақлаб юрибди,
Опиқибди гоҳ.Не истаеса кўнгли
Дол этибди,
Доғруғи эртақдек
Ҳар ён кетибди.Сафардан қайтганда
Юртага бериб ош,
Мамнун бўди ундан
Ету қариндош.Она-ю болали
Айлаб зиёрат,
Дедилар: — «Ҳақиқий
Экан зурриёт».Ўғил турар экан
Тавдасин ростлаб
Ғурур-ла тоғига
Ўқулаб қолди лаб.— Ҳўш, қалай,
тоғажон
Қабулми фарзим?

ХОЯТИМА

Икки оила бор
Қўнма дунёда,
Иккиси муқаддас
Азиз, зийда.Бир бу — хонадон
Жисми ила жонинг.Энди узлгандир
Фарзандлик қарзим?— Иш қилсанг хайрали
Этма ҳеч миннат,
Бурч маъноси ўзга,
Буладир хизмат.Она саховати
Беқийс кендир,
Бор умринг унинг бир
Қўнма тенгдир.Тонг отди. Файзли —
Ҳовли тўрида
Она ўлтирибди
Тахта сўрида.Атроф жимжит, со-
кин,
Бўлимас ҳайл.
Уфқда барқандек
Тўлишган ҳилол.Йилтилар кўзда ёш,
Бардек титтар лаб,
Олис хотирадан
Ушшадди қалб.Кечасгина эди
Сулв келинчақ,
Ёш, содда, ҳар ишга
Чаққон қунончақ.Тушакка қадаланган
Эди қайнона,
Оқ юлбиз тариди,
Бўлди парвона.Онажон дуога
Қўтариб қўлин,
Тиларди: «Илоҳим
Оқ бўласин қўлинг».Иймонинг бут бўласин
Икки дунёда,
Яратган толеинг
Этсин зийда.Орқамда қолмоқда
Тўрт қиз, беш ўғал,
Уларга инғамас
Бўлган онажон.Она ўтди ундан
Ризо, миннатдор,
Балки шундан бўлди
Хурмати бисер.Мақтабда устоз у
Меҳру муғули,
Айтур унга раҳмат
Олганлар таълим.Файз қилар қирғанда
Синф хонаси,
Дилқаму меҳрибон
Ҳар бир болага.Беш кўлдек билади
Улар ҳаёти,
Оила қасб-қорин
Насабин, зотин.Умиди, орзуи,
Кўндек бепоён.
«Еш аялди бўласин дер
Аяламо омон».Мудом эл юртига
Керакли бўласин,
Юраги эътиқод,
Билмасе тўласин.Қўшлар бир зум тинар
У тилим билмас,
Бекорчи сан-сўзи
Қўлқоқа қилмас.Меҳнат ҳосилдан
Умиди катта,
Фарзандлар қамолдин
Қўнмоқ албатта.Шу зилда дарёдек
Ой, йиллар оқди,
Гоҳ суя қўлақанди,
Гоҳ шодлик боқди.Кеча тебратарди
Бешик, бечанак,
Бугун хизмат қилар
Унга келинчақ.Тонг отди. Файзли —
Ҳовли тўрида,
Она ўлтирибди,
Тахта сўрида.Йилтилар кўзда ёш,
Бардек титтар лаб,
Олис хотирадан
Ушшадди қалб.Бугун ўш йил тўлиди.
Йўқлар сирдош,
Дилбандлар отаси —
Умр айдоши.Ватан-у фарзандга
Жон этди эҳсон,
Лек роҳат қўрмади
Шу эрур армон.Аммо авлодлари
Босди эзгини,
Эзозлар эл юрт
Уғил қизини.Онанинг бир қўли
Бешик тебратар
Бир қўли дунёни
Мунаввар этар.Дунёда рўшнолик
Қўнмоқ бўлса қам,
Бир умр онага
Айласин таълим.Бир — улуғ Ватан
Икки — иймонинг.Икковин эъзозда,
Бошда тут муқом.
Келажик авлоди
Қодир ахши ном.

Шукур ДАДАШ.

«КИ БУ МИРЪОТКИМ
ГЕТИНАМОДУР...»Инсонлар жуда қадим замонлардан буй Ер юзасидаги олис жойлар-
ни, самовотдаги юлдузлар оламию денгизлар тубидаги ажойибот-
ларни яқиндан кўрсатувчи воситаларни орзу қилиб келганлар. «Ой-
наи жаҳон», «Жоми жамшед», «Искандар кўзгуси» ҳақидаги афсона,
ривоят ва кассалар шарҳ халқлари ўртасида кенг тарқалган эди.Буюк бобомиз, шоир ва мутафаккир
Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»
дostonида айнан жаҳонни тафаккур
қуввати билан шундай тасвирлаган эди:Ки бу миръотким гетинамодур,
Анга хуршеда нуру сафодур.
Эрур Искандари Румий нигори
Жаҳон аҳлига анинг ёдгори.
Ки айлаб тўрт юз доно била шаҳд,
Алардин ҳар бири Афлотунга ҳамаҳд.
Синехр ахволининг соҳиб авуқуфи,
Жаҳоннинг қори банду файласуфи.
Тотиб афлюк анжуи талқинтуз,
Бу кўзгу санъатида қўйдиладар юз
Неча йил ранж тортиб беаждор,
Бу пайкар нақшу бўлди ошқор.Бу кўзгуким эрур ҳикмат жаҳони
Тилимидур шигарфанда ниҳони.Узоддан туриб кўришга имкон бера-
диган асбобни яратиш гоёси асрлар
давомида инсонларни тарқ этмади.Ўтган асрнинг иккинчи ярмида фан,
техника соҳасида амалга оширилган
буюк кашфиётлар телевидение соҳа-
сидаги илмий-амалий тажрибаларни
янада жадаллаштирди. Рус олими
Б. Л. Розинг электрон телевидениега
илмий-назарий асос солди. У дунёда
биринчи бўлиб тасвирни тарқатишда
электрон нурдан фойдаланиш гоёсини
илгари сурди. Олимнинг эътиборини
қозонган, ёрдамидан баҳраманд бўл-
ган шогирдлари орасида тошкентлик
ихтирочилар Б. П. Грабовский ҳамда
М. Ф. Белянскийлар бор эди. Улар тў-
лиқ электрон телевидение тизимини
дунёда биринчи марта Тошкентда му-
ваффақиятли синовдан ўтказдилар.
1928 йил 26 июль кун Тошкентда —
Ўрта Осиё алоқа округи биносидан ҳам-
шарларимиз яратган ҳамда ҳаракат-
ланувчи тасвирни электрон нур ёрда-
мида бир жойдан иккинчи жойга уза-
тиб, қабул қилиб оладиган аппарат —
«радиотелефон»ни синовдан ўтказди-
лар.Аппарат тахт қилиниб, қоқ пешинда
электр токига уланганда мўжазгина
экранда И. Белянскийнинг юриб тур-
гани ҳам, бир неча марта бош кийи-
мини ечиб-кийгани ҳам равшан кўри-
нди. Расмий синов қатнашчилари ҳам
наваб билан жойларини ўзгартириб,
бир-бирларини экранда кўрдилар. Шу
тариқа жаҳонда энг биринчи телеви-
зор иш бошлаб, афсоналар ҳақиқатга
айланди.Орадан бир неча кун ўтгач, янги ик-
тиро Тошкентдаги собиқ «Хива» кино-
театрининг ёнида одамларнинг кўз ўн-
гида синиб кўрсатилди. Ҳамшаҳарла-
римиз кўчадан ўтиб кетаётган пиёда-
лар, трамвай вагонларини экранда кў-риб ҳайратдан ёқаларини ушладилар.
Ўзбек киноҳужжатчилари бу тарихий
воқеани кино тасмаларига муҳрлаган-
лар.Электрон телевидениенинг расмий
синовларида қатнашган Ўрта Осиё дав-
лат университетининг профессори Н.
Н. Златовратский раислигидаги мах-
сус комиссия аъзолари қайднома ту-
зиб, унда синов тафсилотларини баён
қилганлар. Мазкур ҳужжатда В. Гра-
бовский ва И. Белянскийлар бажарган
ишлар илмий жиҳатдан ҳам, амалий
жиҳатдан ҳам қимматли эканлиги таъ-
кидланди.«Радиотелефон»нинг илмий-тарихий
қиммати ҳозирги замон телевизион ти-
зимининг барча элементларини ўзида
муҳасамлаштирганида эди.Тошкентда ўтказилаётган электрон
телевидение синовлари ҳақида
пойтахтда чоп этиладиган газеталар-
да бир қатор материаллар эълон қи-
линг.Ўзбекистон Республикаси давлат ар-
хивида Тошкентда телевидение соҳа-
сида амалга оширилган ишларни тас-
диқловчи етти юздан ортиқ мўтабар
ҳужжатлар сақланмоқда.«Радиотелефон»нинг ўз вақтида ри-
вож тоганининг баъзи сабаблари бор.
Биринчидан, йигирманчи йилларда
мамлакатимизда ҳали электроника са-
ноати вужудга келмаган, электрон ти-
зимларни ҳаётга татбиқ этиш учун ша-
рт-шароит яратилмаган эди. Иккинчи-
дан, кўпчилик мутахассислар келажак
механик телевидение системаларга боғ-
лиқ деб ҳисоблар эди.Электрон телевидение кашшофлари
фаолиятига, уларнинг жаҳон телеви-
дениеси тараққиётига қўшган ҳисса-
ларига муносиб баҳо берилган, халқа-
ро комиссия талабларига кўра икти-
рочиларга асосий ва қўшимча натижа-
ни берилгани, ихтиро муаллифлари
ҳамда умуман Ўзбекистонимизнинг бу
соҳада, бирлигини исботловчи далил-
дир. У техникадаги ҳар қандай анги-
лик сифатида телевидениенинг тарақ-
қиётида бир босқич бўлди.Тошкентлик ихтирочиларнинг каш-
фиётларини радиотехника ва электро-
ника бўйича халқаро матбуот уюшма-
си ҳамда Бирлашган Миллатлар Таш-
килотининг фан, маориф ва маданият
бўйича халқаро бўлими ЮНЕСКО ҳам
эътироф этган.Биз халқимизга, инсониятга ойнаи
жаҳонни армуғон қилган юртдошлари-
миз билан фархланамиз.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

— Олинг, олинг, тортин-
манг, марҳамат. Ўз уйин-
гиздек яйраб ўтиравери-
нг. Бирон нима есангиз-
чи! Мана, бундан тотини-
нг.— Раҳмат. Помидор жу-
да ширин экан.

— Ширинликка ширин.

Фақат нархи қургур тиш-
га тегади-да. Сира ҳам ақ-
лим етмайди. Худого шу-
қим, помидор дегани мил-
мил, лекин бозордаги
нархи, бай-бай. Бунга то-
қат қилиб бўлмайди. Ҳам-
ма виждонсиз бўлиб ке-
тишяптими дейман. Бир
килоси эллик беш сўм,
бир тийин ҳам тушмайман
дейишди. Мен эллик сўм
бор, ана эллик бир сўм
бераман десам, мен то-
монга қарагиси ҳам кел-
майди.— Бозор ўзи шунақа бў-
лади-да. Хали арзон, ҳа-
ли қиммат.— Э, қайда? Шундай
тутоқиб кетдимки, мана
шу чиройли помидор бил-
лан бошига туширишим-
га сал қолди. Ҳайриятки,
ўзимни тутиб қолдим.

Зўрға қирқ тўққиз сўмга

— Ҳа, ажойиб-да бу

— Бирга ишлайдиган ўр-
тоғим шу кун-кечада Ар-
манистонга борувди, кет-
са бойдан кетсин деб, беш
юз сўм бериб юбордим.Бир нарс олиб келар дев-
дим-да. У бўлса иккита«ТАКСИДА
КЕТДИ»


(Ҳажвия)

олдим — килоси юз сўм.
Редиска — йигирма беш
сўм. Лекин помидорнинг
нархи барибир осмонда.Болалар бирам яхши кўри-
шадикми. Яхшиям шаф-
бор, беркийтиб қўяман. Бўл-
маса бу помидор сизга на-
сиб бўлмасди. Олинг, оли-
нг. Сизга жуда ёқувдику-
а...

— Раҳмат, мен тўйиб

— Ҳай, бўлмаса пиёлани
узатинг, коньякдан қуйиб
берай. Арман коньяги-я.

ЭКРАНДА — ЎЛМАС СИЙМОЛАР

Кейинги даврда барча соҳаларда, жумла-
дан кино соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар
рўй берди. Айниқса, илмий-оммабоп ва ҳуж-
жатли фильмлар киностудияси бу даврда бир
қанча янги ҳужжатли фильмлар яратишга му-
ваффақ бўлди. Биз бўлғуси журналистлар ки-
ностудияга бориб ана шу фильмларни кўр-
дик. Фильмлар намойишидан сўнг режиссёр
Файрат Шодмонов билан суҳбат бўлиб ўтди.— Файрат ака,
фильмларни суратга
олиш жараёнида асо-
сан нималарга эътибор
берасиз?— Биласизми, филь-
ми яратиш учун аввало
сценарий пухта бўлиши
керак. Муҳитнинг ўзи бир
йўналишга олиб боради.
Биз яратётган фильмлар
ҳар хил йўналишда. Улар-
нинг ҳаммаси ҳужжатлар-
га асосланади. Ҳужжатлифильмнинг ўз ҳажми бўла-
ди. Кўпроқ тасвирлардан
фойдаланиш керак. Маҳо-
зий ифодалардан, рангли
тасвирлардан ҳам фойда-
ланиш зарур.— Жамоатчилик яра-
таётган фильмларингизни
қандай қабул қилмоқда?— Собиқ иттиқот даври-
да буюртма асосида Моск-
ва учун фильмлар яратар-
дик. Эндликда эса талаб
ва таклифдан келиб чиққанҳолда фильмлар яратмоқ-
дамиз. Чўлпон, Мунаввар
Қори, Фитрат, Бехбудий
ва бошқа буюк сиймолар
ҳақидаги ҳужжатли
фильмлар яратилиши ке-
рак. Жамоатчиликка бун-
дай фильмлар ниҳоятда
зарур. Томошабин уларни
кўриб ҳулоса чиқариши,
тахлил қилиши керак.— Фильмда матн бил-
лан чекланиб қолмас-
дан яхши бир мусиқа-
дан фойдаланиш мум-
кинми?— Киностудия архивида
фақат мусикадан фойда-
ланилган фильмлар мав-
жуд. Масалан, яқинда яра-
тилган «Хор» фильмининг
мисол қилиб кўрсатиш
мумкин. Ундан ташқари
етим болалар, қаровсиз
қариялар, ёлғиз оналар
ҳақидаги фильмларда сўз-
га ҳоҳат борикин?! Ле-
кин Мунаввар Қори, Чўл-
пон, Бехбудийлар ҳақида
халқимиз аниқ маълумот-
га эга эмас. Шунинг учун
матнлардан кўпроқ
фойдаланишга мажбур
бўламиз.Шуни таъкидлашни
лозим топдимки, ҳуж-
жатли фильмларни кў-
риш ва режиссёр билан
суҳбатлашни жараёни-
да буюк шахслар ҳақи-
да фикрларимиз ўзгар-
ди, уларнинг ҳаёт ва
ижодларини янада му-
каммалроқ ўрганиб,
маънавий озуқа олдик.
Шу ўринда илмий-ом-
мабоп ва ҳужжатли
фильмлар киностудия-
си ижодкорларига иш-
ларида омад тилаймиз.
Аждодларимиз мероси
билан боғлиқ фильмла-
рни тезроқ яратишлар-
ини кутиб қоламиз.Қамола
АЗИМУЖАЕВА,
ТошДУ журналистика
факультети талабаси.СУРАТДА: ҳужжатли
фильми суратга олиш
жараёни.— Биласанми, ҳўрози-
миз жуда танбал чиқди-
да!

— Йў-э, наҳотки?!

— Мана битта мисол:
қўшимизнинг ҳўрози
қичқирса, гапини тасдиқ-
лаб, бошини лиқиллатиб
туради.***
Ўқитувчи ўқувчилардан
қишда куннинг қисқа, ёз-
да узун бўлишини ми-
соллар билан айтиб бе-
ришларини сўрабди. Бир
бола ўрнидан туриб деб-
ди:— Устоз, қишда ҳаво
салқинлиги учун кун қис-қариб қолади. Ёзда эса бу-
нинг акси. Кун иссиқда чў-
зилиб, ўз-ўзидан узаяди.

— Алло, Алло! Синоп-
тиклар идорасини?— Ҳа, худди шундай.
Нима хизматлар бор эди?— Учиб кетаётган само-
лётимизда нуқсонлар бор
экан, фожея ўзи бериши
мумкин.— Тезлик билан ерга
сакранг!— Аммо бизда парашют
йўқ-да!— Бугун ҳаво яхши, па-
рашютга ҳеч қандай эҳ-
тиёж йўқ.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ.

Бемор: Жаноб доктор,

тишим оғрипти.
Врач: Сезаялман, лекин
қайси тишингиз?Бемор: Ёнғок билан бо-
домни кўп қақадиган ти-
шим.***
Хаёлпараст: Ёнингизда
соатингиз борми?

— Ҳа, бор!

— Раҳмат, шошиб турган
эдим.

— Алло, Алло! Синоп-
тиклар идорасини?— Ҳа, худди шундай.
Нима хизматлар бор эди?— Учиб кетаётган само-
лётимизда нуқсонлар бор
экан, фожея ўзи бериши
мумкин.— Тезлик билан ерга
сакранг!— Аммо бизда парашют
йўқ-да!— Бугун ҳаво яхши, па-
рашютга ҳеч қандай эҳ-
тиёж йўқ.

— Ҳа, бор!

— Раҳмат, шошиб турган
эдим.

— Алло, Алло! Синоп-
тиклар идорасини?— Ҳа, худди шундай.
Нима хизматлар бор эди?— Учиб кетаётган само-
лётимизда нуқсонлар бор
экан, фожея ўзи бериши
мумкин.— Тезлик билан ерга
сакранг!— Аммо бизда парашют
йўқ-да!— Бугун ҳаво яхши, па-
рашютга ҳеч қандай эҳ-
тиёж йўқ.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни,
хусусий эълонлар ва хусусий
бизнес буйича эълонларни,
шунингдек таъзияларни,
таваллуд кунлари, тўйлар,
юбилейлар муносабати билан
қутловларни, никоҳ эълонлари
ва шунга ўхшаш эълонларни ўз
саҳифаларида ёритади.